



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 21 май, № 97 (5771)

Сешанба

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Жиззах шаҳридаги "Sendvich-panel" масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 3,3 миллиард сўмлик қурилиш маҳсулотлари буюртмачиларга етказиб берилди.

Замонавий қурилиш маҳсулотлари

— Корхонамизда томга ва деворга ишлатиладиган, ўзидан иссиқ ва совуқни ўтказмайдиган уч қаватли сендвич панеллар тайёрланади, — дейди цех бошлиғи Шухрат Хайдаров. — Маҳсулотларимиз замонавий технологиялар асосида маҳаллий хом ашё — базальт тошдан тайёрланаётганлиги боис арзон ва сифатли.

Буюртмачилар билан тузилган шартномага мувофиқ, "Sendvich-panel"нинг 135 кишилик меҳнат жамоаси йил охиригача яна 4 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Улуғбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Талабанинг бизнес лойиҳаси

Элбек Бахронов ўтган йили Тошкент давлат иқтисодий университетини тугатиб, ўз бизнес лойиҳасини амалга оширди.

У Навоий шаҳрида яримтайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Монанд текстиль" хусусий корхонасини ишга туширди. Ушбу лойиҳа рўёби учун 230 миллион сўм сарфланиб, Германиянинг "Mauser" компанияси технологияси олиб келиб ўрнатилди. Янги ускуна автоматик тарзда бошқарилиб, қўл меҳнати камайтиради. Бу эса ишлаб чиқариш са-

марадорлиги ошишига хизмат қилмоқда.

— Тежамкор технология ускуналарда ойга уч турдаги, 9 тоннадан ортиқ мато тайёрлаёмиз, — дейди корхона раҳбари Элбек Бахронов. — Айни пайтда 10 нафар тенгдошим билан фаолиятимизни янада кенгайтириш чораларини кўраёلمиз.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Худудий дастур — амалда

Хоразм вилоятини 2013 — 2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ, худудда жами 2213 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган.

Ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири Ҳазорасп туманидаги Питнак шаҳарчасида амалга оширилди. Бу ерда тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Умид санаот сервис" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйиш учун 280 миллион сўмлик банк кредити ва тадбиркор Умаржон Анназаровнинг маблағи жалб этилди.

— Қисқа муддатда 5 минг донадан ортиқ 12 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб бердик, — дейди тадбиркор У. Анназаров. — Бундан ташқари, 60 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Ҳозир маҳсулотларимиз турини кўпайтириш ва уларни экспортга чиқариш ҳаракатида.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллий хом ашё асосида

Хонобод шаҳрида "Хонобод-Сеул" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Ҳозир илгор технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхонада аёллар ва болалар пойабзаллари ишлаб чиқарилмоқда.

20 нафар ёш мутахассис дастлаб беш турдаги оёқ кийимлари тайёрлашни ўзлаштирган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 25 га етди.

Яқинда корхонада белбоғ тасмалари ҳамда хотин-қизларнинг бежирим сумкаларини ишлаб чиқариш

ҳам йўлга қўйилади. Умуман, Андижон вилоятида жорий йилнинг биринчи чорагида 776 та кичик бизнес субъекти ташкил этилиши эвазига 20 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилаётган юксак эътибор мазкур тармоқ вакилларини янада ғайрат ва ташаббус билан меҳнат қилишга ундамоқда.

ИНТИЛИШ

Жорий йилнинг январь — март ойларида юртимизда 7,2 мингга кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган, соҳага йўналтирилган кредит ва микрокредитлар ҳажми 1,6 триллион сўмга етгани, пировардида тармоқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 40,5 фоизга ўсгани ҳам бунинг амалий самарасидир. Энг муҳими, олис-яқин қишлоқларимизга ишлаб чиқариш ва санаот тармоқлари жадал қилиб бормоқда, аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш ва худуд экспорт салоҳиятини юксалтиришнинг янги имкони ялари юзга келаяпти.

Яқинда пойтахт вилоятининг Қибрай туманида яна бир янги корхона — "Жасмина-Азизбек" масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаши билан худуд ёшларидан 20 нафари муқим иш жойига эга бўлди. Айни пайтда бу ерда санаот, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш тармоқларида кенг фойдаланиладиган полистилен маҳсулотлар тайёрланаётди.

(Давоми 2-бетда).



Эдгарс Ринкевичс: «БИЗ ЎЗБЕКИСТОННИ СТРАТЕГИК ШЕРИК ҲИСОБЛАЙМИЗ»

Яқинда Тошкентга расмий ташриф буюрган Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Эдгарс Ринкевичс оммавий ахборот воситалари билан суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашув якунлари ҳамда мамлакатимиз парламенти ва турли вазирликларида ўтказган музокаралари хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Латвия ташқи сиёсат маҳкамасининг раҳбари "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюсида Латвия ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг замонавий ҳолати ҳамда ривожланиш истиқболлари олдидан назари назари маълум қилди.

— Биз Ўзбекистоннинг

минтақадаги барқарорликнинг кафолати сифатидаги ўрнини юқори баҳолаган ҳолда, республикани Латвиянинг стратегик шериги ҳамда Европа Иттифоқи ва НАТО учун муқим аҳамиятга эга бўлган мамлакат деб биллашмиз, — дея қайд этди у.

Э. Ринкевичс таъкидлаганидек, 2015 йилнинг

биринчи ярмида Латвия Европа Иттифоқида раислик қилади ва шу муносабат билан Европа Иттифоқи ҳамда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ўртасидаги мулоқотга кучли туртки бериш Ўзбекистон — Латвия ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Минтақамиздаги барқарорлик ва хавфсизлик масалаларига тўхталар экан, Латвия ташқи ишлар вазири Ўзбекистоннинг Афғонистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётга қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолади. Жумладан, у инфратузилмавий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ва юк ташиш сингари йўналишларни алоҳида қайд этиб ўтди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги саволга жавоб берар экан, Латвия

ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг жадал суръатлари ва мамлакатимизнинг юксак салоҳияти бу соҳадаги ўзаро муносабатларни янада кенгайтиришда мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. У сайёҳлик, фармацевтика, енгил ва тўқимачилик санаяти, юк ташиш, озиқ-овқат санаоти ҳамда қишлоқ хўжалигини бу борадаги ўзаро алоқаларнинг истиқболли йўналишлари сифатида баҳолади.

(Давоми 2-бетда).

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан миллий, этник ҳамда диний тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Тадбирда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратилгани айтиб ўтилди. Чунончи, Конституциянинг 18-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва

эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Миллатлараро тотувлик ва барқарорлик давлат сиёсати ҳамда ижтимоий ривожланишнинг асосий мақсади.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Республикаимизнинг туман ва шаҳарларида ўтказилган ўқув-семинарларда юртимиздаги барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият олиб бораётган 40 минг нафарга яқин йиғинлар фаоллари ҳуқуқий, ижтимоий ва сиёсий билимларини, фаолияти билан боғлиқ кўникмаларини мустақамлаш имкониятига эга бўлишди.

ЮКСАК БИЛИМ ВА ТАШАББУСКОРЛИК

маҳаллалар фаолларининг ислохотлар жараёнида иштирокини кенгайтиришда алоҳида ўрин тутади

Уч кун давом этган ўқув машғулотларида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия, Халқ таълими, Иқтисодий, Молия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Бош прокуратура, Давлат солиқ ва Дин ишлари бўйича қўмиталари, "Узархив" агентлиги, Маънавият тарғибот маркази, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Касаба уюшмалари Федерацияси худудий тузилмалари, жойлардаги олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди масъулларидан иборат жами 8 мингга яқин малакали ходимлар жалб этилди.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИР

Маълумки, мамлакатимиз ички ишлар идораларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2001 йил мартдаги Фармонида кўра, ушбу тизим фаолияти замон талаблари даражасида такомиллаштирилди.

Ватанга содиқлик қасамёди

Шунга мос равишда соҳани малакали кадрлар билан таъминлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий ўқув юртлири — ИИВ академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ва Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида таълимнинг замонавий технологиялар асосида йўлга қўйилиши мисолида ҳам кўриш мумкин. ИИВ академиясида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилиши тизим учун малакали ва юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш борасида янги даврни бошлаб берди. Утган даврда мазкур курсларни тамомлаган 9 мингдан зиёд юқори тайёрликка эга сержантлар ҳозирги пайтда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётганликларини ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАҲРИ ХИЗМАТ КўРСАТИШ КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

2013 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда хизматлар кўрсатишнинг умумий ҳажми янада ўсиб, ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши

52,5 фоизга өтди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури доирасида инфратузилмани яратиш ва ривожлантириш мақсадларига катта миқдорда инвестиция йўналтирилиб, қўлаб замонавий объектлар барпо этилган, тизимга илгор технологиялар жорий қилинган ва шундай ижобий натижани қўлга киритиш имконини берди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон миллатлар ва эллар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро шартномаларни рўйбга чиқаришда, шунингдек, халқаро майдонда этник камчилик ҳуқуқларини таъминлаш принциплари...

МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ларини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истикомат қилмоқда. 140 дан зиёд миллий-маданий марказ, шунингдек, 16 та диний конфессияга мансуб 2000 дан ортиқ диний ташкилотлар ишлаб турибди.

ҳимоя қилишнинг конституциявий асослари ва кафолатлари шакллантирилибгина қолмасдан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича ташкилий механизм ва тегишли институционал инфратузилма яратилган. Масалан, мамлакатимизда 3,5 мингдан зиёд милиция таъин қилинган...

Ҳозир мамлакатимиздаги фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик вакиллари билан бирга, маҳаллаларда оила институтини, миллатлараро ва динлараро муносабатлар...

тотувликини мустаҳкамлаш, маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишни таъминлашдаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар ўртага ташланди. Шунингдек, бу ишга жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари янада фаолроқ жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида сенаторлар, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, прокуратура органлари, республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият тарихот маркази, Республика Байналмилал маданият маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Муҳокама якунлари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий шериклигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ҳамда тақлифлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ЮКСАК БИЛИМ ВА ТАШАББУСКОРЛИК

маҳаллалар фаолларининг ислохотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришда алоҳида ўрин тутди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар иштирокида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг мазмун-моҳияти, улардаги асосий гоялар ва вазифаларни фуқаролар йиғинлари ходимлари томонидан маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишни самарали ташкил этиш масалалари таҳлил қилинди.

ланилган ҳолда олиб борилди, ҳордиқ чиқаришимиз учун ҳам зарур кулайликлар яратилди. Тегишли техник хизматлар билан таъминланган ўқув хоналарида машғуллотлар ташкил этилди. Бу ерда ўрганганларимиз ҳақида гапирсак, энг аввало, янги тахрирда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва уларни амалиётга татбиқ этиш механизми, маҳалла фаоллари давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали ташкил этиш, шу жумладан, уни амалга ошириш шакллари ва уларни қўллаш тартиби ҳақида зарур билимларга эга бўлди.

ни билдириб, фикр алмашди-лар, — дейди Китоб туманидаги "Пахтаобод" қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби Ж. Алиқуллов. — Айниқса, маҳалла масъул котиби вази-фалари янги тахрирдаги қонунлар асосида тушунтирилган фойдали бўлди. Мисол учун, фуқаролар йиғини фаолиятида ҳужжат билан ишлаш, фуқаролар муносабатларини рўйхатга олиш, уларнинг оилавий ва мулкӣ аҳоли тўғрисида маълумотнома, қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳужжатлар берилишини таъминлаш, ҳудудда ашвовчиларни ҳисобга олиш тартиб-таомиллари ҳақида мутахассислар томонидан кенг билим берилди. Албатта, машғуллотларда олган билим ва қўникмаларимиз тизим фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилди.

— Бугунги тезкор замоннинг ўзи фуқаролар йиғинлари фаолиятида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ободонлаштириш ва қўламли-зорлаштириш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни самарали бажаришда фидойилик кўрсатишни талаб этмоқда, — дейди Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳридаги "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Фозилов. — Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳам долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу маънода, ўқувларда йиғин ҳузурдаги жамоатчилик комиссиялари ишини такомиллаштиришга қаратилган зарур кўрсатма ва тавсиялар берилгани айтиш мумкин бўлади. Маҳаллани ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, аҳоли томоғқа ерларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш масалалари кенг муҳокама этилиб, зарур тавсиялар берилди. Бу борада яхши тажрибага эга маҳаллалар фаолияти таҳлилий ўрганилиши эса биз учун янада фойдали бўлди. Албатта, бу ерда ўрганган билим ҳамда қўникмаларимиз фаолиятимизни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этишимизда қўл келади.

— Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизми кучайтириш, ота-оналарнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги билим ва масъулиятини ошириш мақсадида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қўшида йўлга қўйилган "Ота-оналар университетлари" фаолиятини янада ривожлантиришда фуқаролар йиғинлари фаолларининг вазифалари каби масалалар ҳам кенг муҳокама қилинганини айтиш зарур, — дейди "Маҳалла зийси" республика ўқув-услугабий маркази директори Б. Юнусов. — Айни чоғда машғуллотларда хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маҳаллаларда миллий, диний урф-одатлар асосида тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларни ихчам ўтказишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш, фуқаролар йиғинлари фаолларининг давлат органлари, хусусан, ҳудудий профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш, йиғинларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда йиғин ходимлари масъулиятини янада кучайтириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Анджон вилоятида ташкил этилган ўқув-семинарларда 3 минг 600 нафардан зиёд фуқаролар йиғинлари фаоллари қатнашди. — Маълумки, бугунги кунда фуқаролар йиғинлари фаоллари олдидан турган муҳим вазифалардан бири — "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашдан иборатдир, — дейди Анджон шаҳридаги "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси М. Абдуқодирова. — Машғуллотларда шу билан боғлиқ билимларимизни ҳам мустаҳкамлади. Хусусан, маҳалла аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази сифатида шакллантиришнинг аҳамияти, бу борада янги тахрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган нормалар мазмунини билан ҳам яқиндан танишдик.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари ходимларининг ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизоми ва иш юртишининг тартиб-таомиллари, қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни бажаришда давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик алоқаларини такомиллаштириш ҳамда намунали маҳаллаларни шакллантириш, фуқаролар йиғинлари томонидан нафақалар ва моддий ёрдамлар тайинлаш масалалари чуқур ўрганилди. Буларнинг барчаси фаолиятимизни юқори даражада йўлга қўйишимизда қўл келади.

Умуман, республика бўйича ўтказилган ўқув-семинарлар фуқаролар йиғинларида фаолият юритиётган фаолларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий билимларини мустаҳкамлаш баробарида, уларнинг ислохотлар жараёнидаги иштироки ҳамда фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишга қаратилгани билан янада аҳамиятли бўлди. Эеро, маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни ва ролини ошириш "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" томоғийидан кўзланган максалларни рўйбга чиқариш амалии юртимизда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш имконини беради.

Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

МУЛОҚОТ

Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтида сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжаликлрининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятининг ҳўқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган минтақавий давра суҳбати бўлиб ўтди.

МИНТАҚАВИЙ ДАВРА СУҲБАТИ

Он-лайн тизимда ташкил этилган мазкур тадбирда Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида фаолият юритаётган соҳа мутахассислари, олимлар, бобонлар, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашчи корхона ҳамда экспорт билан шуғулланувчи ташкилот раҳбарлари ва фермерлар иштирок этди. Давра суҳбатида бугун ва тоқзорлар ҳосилдорлигини кўпайтириш, бу борада барқарор ўсиш сурьатларига эришиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда экспортга йўналтириш бўйича қилиниши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди. Унинг ижроси бўйича орттирилган тажрибалар оммалаштирилди.

Тадбир доирасида соҳада фаолият кўрсатувчи корхоналар ва агрофирмалар маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ватанга содиқлик қасамёди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айтиш жоизки, бу ерда курсантлар жазони ижро этиш, ёнгин хавфсизлиги, йўл-патруль, патруль-пост, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишлари бўйича замонавий асосда билим олмақдалар.

Академиянинг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларининг қасамёди қилиш тантаналарида ҳимолар хусусида атрофлича сўз юритилди. Унда ички ишлар идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бу ерда курсантлар мутахассислик сирларини пухта ўрганиши учун барча шарт-шароит яратилган. Замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган аудиториялар, криминалистика маркази, ўқув-дала машқ майдони, компьютер ва лингафон хоналари, спорт заллари улар ихтиёрида.

Юқунда курсантлар Ватанимизга содиқ бўлишга қасамёди қилишди. Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мамлакатимиз нефть-газ сановати ривожини таъминлаш хом ашёсига бўлган эҳтиёжни таъминлаш баробарида, уларни қайта ишлаш орқали турли истеъмол моллари тайёрлаш имконини ҳам кенгайтирди, — дейди тадбиркор Жасур Тожибоев. — Масалан, шулардан бири — целлофан маҳсулотларига талаб юқори. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, корхонамизда "Шўртан" газ-чүммё мажмуасидан олинган маҳаллий полиэтилен хом ашёсидан турли ўлчам ва қалинликдаги целлофан пакетлар, полиэтилен қоплар каби 5 турдаги маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдик. Бунинг учун банкнинг 266 минг АҚШ долларлик кредити ҳисобига Хитой давлатидан замонавий технологик линиялар олиб келиб ўрнатдик.



бозорга ҳам чиқариш кўзда тутилмоқда. — Худудимизда бундай корхоналарнинг кўпаяётгани биз, ёшларни жуда қувонтиради, — дейди шу корхонада иш бошлаган ёшлардан бири Моҳира Юсупова. — Ихчам ва замонавий хориж технологияларида ишлаш жуда қулай экан. Корхонамизда

хом ашёни бойитишдан тортиб, тайёр маҳсулотга ранг беришгача бўлган барча жараён тўлиқ компьютерлаштирилган. Бу ишимизга унум ва самара бахш этиш баробарида, маҳсулот сифатини ҳам оширяпти.

Айни пайтда "Жасмин-Азизбек" жамоаси янги лойиҳа устида ҳам иш олиб

бормоқда. Унга мувофиқ, ҳадемай, бу ерда қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида кенг фойдаланиладиган полиэтилен плёнкалар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, Ҳасан ПАЙДОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Эдгарс Ринкевичс: «БИЗ ЎЗБЕКИСТОННИ СТРАТЕГИК ШЕРИК ҲИСОБЛАЙМИЗ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бугунги кунда Латвияда ўзбекистонлик шериклар билан биргаликда ташкил этилган кўплаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқда, — деди латвиялик дипломат. — Мамлакатингизда ҳам Латвия бизнесининг фаолияти кенгайиб, Ўзбекистон — Латвия қўшма корхоналари сонини кўпайтиришни истар эдик. Бундай масалалар давлатларимизнинг тармоқ вазириликлари ва ишбилармон доиралари вакиллари томонидан батафсил муҳокама этилишига умид қиламан.

Икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантириш учун мавжуд салоҳиятни юқори баҳолаб экан, Эдгарс Ринкевичс ҳозирги вақтда таълим тизимидagi ўзаро алоқалар тобора ривожланиб бораётганини қайд этди. Хусусан, айни пайтда қарийб 200 нафар ўзбекистонлик талаба Латвия олий ўқув юртиларида тахсил олаётган. Латвия ташқи ишлар вазирининг фикр билдиришича, шартномавий-ҳуқуқий базанинг ривожини, хусусан, ҳозирги вақтда ишлаб чиқилаётган соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, таълим тизимига доир битимлар имзоланиши ҳам мазкур йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлигининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Ўз фикрини якунлар экан, Э. Ринкевичс икки давлат раҳбарларининг сай-ҳаракатлари ва ҳар икки мамлакатдаги элчиҳоналарнинг фаолияти натижасида давлатларимиз ўртасидаги илқ ва дўстона муносабатлар ривожланиб бораётганини эътироф этди. Эдгарс Ринкевичс бу омилилар нафақат Ўзбекистон — Латвия икки томонлама алоқаларининг, балки мамлакатларимизнинг Европа Иттифоқи — Ўзбекистон мулоқоти доирасидаги ҳамкорлигининг ҳам янада ривожланишига янги сурьат бағишлашига ишонч билдирди.

«Жаҳон» АА.

ЭЪТИБОР

Маълумки, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда бу борадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, хусусан, амалдаги меъёрий ҳужжатларга замон талабига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш каби вазифалар белгилаб берилган.

Дарҳақиқат, бугун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда тарбиявий ишларни кучайтириш, тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга доир муайян чора-тадбирлар кўрилумоқда.

Хусусан, таълим-тарбия тизимининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ундан самарали фойдаланишига эришиш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва услубий адабиётларини такомиллаштириш масалалари алоҳида эътиборда бўлиб келаётди. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш, ёшларни, хусусан, қишлоқ ёшларини, жумладан, қизларнинг спортга кенг жалб этиш, спорт мажмуалари, стадион ва ишоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари, жиҳозлари билан таъминлаш изчилик билан давом эттирилмоқда. Шуларга мос равишда илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг

Ёшларнинг меҳнат ҳуқуқлари — қонун ҳимоясида

жалб этиш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариш учун шароит яратишга оид комплекс чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиляпти. Ёшлар, аввало, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун муносиб шароит яратиш, ёш оилаларга гамаҳўрлик ишларини, ҳуқуқий-ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни турли салбий иллатлар таъсиридан асрашга қаратилган эзгу ишлар ҳам амалга оширилмоқда.

Улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилинишига рухсат берилиши белгилаб қўйилган. 2008 йилда Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция ратификация қилингандан кейин, ушбу ҳужжат талаблари миллий қонунчилигимизга имплементация қилинди. Айни чоғда "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунда вояга етмаган деб ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс ҳисоблангани белгиланган. Миллий қонунчилигимизнинг яна бир аҳамиятли томонини шундаки, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуққа эга, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шарт-

қиланади. Қолаверса, уларнинг белгиланган меъёрдан ортиқ юк туғарилиши ва ташшишга йўл қўйилмайди. Меҳнат кодексига киратишган ушбу ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтариши ҳамда ташшиш мумкин бўлган юк чегараси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазириликлари, лари соҳасида улар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёزلардан фойдаланадилар.

Иш вақти муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига ўн икки соатдан ошиб кетмаслиги лозим. Корхонада ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчи меҳнатига ишлаган вақтига муносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ белгиланади. Бундай ходимларга камда ўттиз календар кундан иборат йиллик таътил берилди ва улар бундан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин. Меҳнат кодексига биноан, ўн

лиги керак. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўн саккиз соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига ўн икки соатдан ошиб кетмаслиги лозим. Корхонада ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчи меҳнатига ишлаган вақтига муносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ белгиланади. Бундай ходимларга камда ўттиз календар кундан иборат йиллик таътил берилди ва улар бундан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин. Меҳнат кодексига биноан, ўн

Д. МАТРАСЛОВ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик инспекцияси бошлиғи.



24 соат ичида

Кучли тўфон

Ўтган ҳафта якунида АКШнинг Айова, Канзас ва Оклахома штатларида бир неча маротаба кучли тўфон кузатилди.



Табиий офат юзлаб тураржойларни вайронга айлатди. Оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, йиғирма нафардан зиёд киши жабрланган.

Оклахома штатида бир кишининг ҳаётдан кўз юмгани айтилмоқда. Канзас штатида ўн мингдан ортиқ аҳоли электр таъминотидан узилиб қолган.

Рейтингини пасайтирди

“Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги Словениянинг узоқ мuddатли кредит рейтингини “А-” кўрсаткичидан “BBB-”гача пасайтирди, дейилади “Евроњьюс” телеканали хабарида.

Умумий баҳо “салбий” деб топилди. Агентлик мутахассислари бундай паст баҳо берилишига Словения иқтисодиёти ва молия тизими ҳозирги пайтда қалтис ҳолатда эканлиги сабаб, дейишмоқда.

Фаолият йўналишини ўзгартирмоқчи

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритувчи “Dell” компаниясининг маҳсулотларига сўнги пайтларда талаб сусайган.



компьютерлари савдосидан олган фойда ҳажми 79 фоизгача қисқарган.

Айни пайтда “Dell” асосчиси Майкл Делл ва икки йирик акциядор ўртасида корхонанинг келажакига оид баҳс кетмоқда. Майкл даромаднинг яхшилаш учун персонал компьютерлар ўрнига мобил телефонлар ишлаб чиқариш таклифини илгари сурапти.

Автомобиллар савдосида ўсиш

Европада сўнги бир ярим йил ичида илк бор автомобиллар савдосида ўсиш қайд этилди.

Бу ҳақда Европа автомобиллар ишлаб чиқарувчилар уюшмаси маълум қилди. Келтирилишича, апрель ойида Европа Иттифоқи ҳудудида бир миллион донга янги автомобиль сотилган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 фоизга кўпдир. Аммо таҳлилчилар ҳали қувонишга шошилмасликни, энг муҳими, бу барқарорликни кейинги ойларида ҳам давом эттириш ҳақида бош қотириш лозимлигини билдиришмоқда.

Астероид учиб ўтади

“NASA” космик агентлиги мутахассислари жорий йилнинг 1 июнь куни сайёрамиз ёнидан ҳажми 2,7 километрга тенг бўлган улкан астероид учиб ўтишини маълум қилишди.



Мазкур само жисми Ердан 5,8 млн. км. узоқда ҳаракатланади. Бундан ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Олимлар “меҳмон”ни кўти олиш учун қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Чунки астероидларни янада чуқурроқ тадқиқ қилишда бу жуда яхши имкониятдир.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Маълумки, банк тизими барқарор ривожланаётган давлатдагина иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган ислохотлар қутилган самарани беради. Шу боис мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан молия-банк тизими тубдан ислох қилиниб, ўтган қисқа давр ичида мукамал инфратузилмага эга бўлган, барқарор ва ишончли фаолият юритувчи соҳага айланган. Натижада у ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, ислохотларнинг самарадорлигини оширишда тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда замонавий банк тизимини шакллантириш ва уни халқро меъёрларга мос равишда ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар босқичма-босқич рўйб-га чикарилмоқда. Кредитлаш тизимидаги янгиланишлар, валюта ва нақд пул муомаласининг тартибга солиниши, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг замонавий механизми ишлаб чиқилиб, ама-

да олинди. Банк сармоясига 2013 йилнинг биринчи чорагида 5,1 фоизга ўсиб, 1011,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Банк кредит портфели ҳажми, 2013 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 6 206,3 млрд. сўмга тенг бўлди. Уларнинг асосий улуши узоқ мuddатли кредитларга тўғри келаётгани эса эътирофга лойиқдир. Миллий банк хорижий банклар ва халқаро молия муассас-

кичлари ўсишига эришилмоқда. Бундан ташқари, Миллий банк томонидан хорижий банклар билан агроноат комплексини, телекоммуникациялар ва компьютер технологиялари, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган бир қанча қарз битимлари тузилган бўлиб, айни чоғда ушбу манбалардан самарали фойдаланиш чоралари кўрилмоқда.

МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ПЕШҚАДАМИ

лиётга татбиқ этилиши шундай савий-ҳаракатлар самарасидир. Бу, ўз навбатида, тижорат банкларининг капиталлашувини оширишда, миқозларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари кунда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимиз бозоридаги етакчи молия муассасаси бўлиш билан бирга, халқаро миқёсда юртимиз банк тизимининг вакили сифатида иш олиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш керакки, Миллий банк иқтисодиётимизнинг чуқур қайта қурилишини таъминловчи лойиҳаларни молиялаб келмоқда. Нефть ва металлургия қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги машина-созлиги, кимё ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик сананоати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сайёҳлик, ҳаво ва темир йўл транспорти, алоқа, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган кўплаб лойиҳалар шулар сирасига киради.

Банк ҳар йили машҳур халқаро нашрлар ва рейтинг агентликларининг нуфузли рейтингларида қатнашиб, жаҳон банк тизимида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Мисол учун, у “The Banker” нашри томонидан ҳар йили эълон қилинадиган жаҳоннинг 1000 та энг йирик банки рейтингига 1993 йилдан буён қайд этиб келинмоқда ҳамда бугунги кунда Марказий Осиё, Россия, Марказий ва Шарқий Европанинг энг катта банклари орасида 862-ўринни эгаллаб турибди. Бундан ташқари, 2012 йил якунига кўра, Миллий банк «РИА-Рейтинг» рейтинг агентлиги ҳулосасига кўра, ўз активлари ҳажми бўйича МДХнинг 100 та энг йирик банки рўйхатида 50-ўринга кўтарилди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан муҳим барча минтақаларида жойлашган Миллий банк бўлиб ва филиаллари 2,5 миллиондан ортиқ корпоратив ва хусусий миқозларга кенг доирадаги хизматларни тақдим этиб келаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Эътиборлиси, “Ўзмилий-банк”нинг миллий валютадаги жамлама баланси ҳажми 12 759 млрд. сўмни ташкил этиб, 21,5 млрд. сўм миқдоридан соф фой-

салари билан ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилмоқда. Бу эса “Ўзмилийбанк” юртимизнинг халқаро молия ҳамжамиятига интеграциялашувда фаол иштирок этишини таъминламоқда.

Банк профессионал молия муассасаси ва ўз миқозларининг ишончли ҳамкори сифатида обрў қозонганлиги, шубҳасиз, жаҳоннинг энг йирик банклари билан вакиллик муносабатлари тармоғини кенгайтиришига ёрдам берди. Масалан, 1992 йилда дунёдаги 83 та энг йирик банк билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган бўлса, ҳозирги кунда Миллий банкнинг вакиллик тармоғи жаҳоннинг 80 мамлакатига тегишли 662 та халқаро молия муассасасини қамраб олган. Аниқроғи, “Ўзмилийбанк” ҳамкорлари кўлами анча кенг бўлиб, МДХ, Фарбий ва Шарқий Европа, Америка, Осиё, Яқин Шарқ, Африка мамлакатлари ҳамда Австралия билан изчил алоқалар йўлга қўйилган.

Сир эмас, темир йўл, автотранспорт ва авиация тармоқларининг коммуникация тизимларини модернизация қилиш иқтисодиётни таркибий ўзгаришда муҳим ўрин тутди. Шунинг билан, Миллий банк ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ҳаво кемалари замонавий паркинни яратишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялашда фаол қатнашмоқда. Зеро, бундай лойиҳаларнинг амалга оширилиши юртимизга хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилади, тадбиркорлик ривожланишига ёрдам беради.

Ўтган давр мобайнида, шунингдек, Миллий банк ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит ресурсларини жалб этган ҳолда, бир қанча иссиқлик электр станцияларида бугунги кунда курилмаларини бунёд этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширди ва бу жара-

286,2 млн. евро); “Тошкент” ИЭС (буғ-газ қурилмасининг қуввати — 370 МВт, кредит суммаси — 76,2 млн. АҚШ доллари); “Таллимаржон” ИЭС (иккита буғ-газ қурилмасининг умумий қуввати — 900 МВт, кредит суммаси — 240,86 млн. АҚШ доллари) билан боғлиқ лойиҳаларда банк фаол иштирок этиб келмоқда. Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун эса Миллий банк билан «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ўртасида умумий қиймати 687 млн. АҚШ долларилик кредит шартномалари тузилган.

Шу билан бирга, “Тошкент” ИЭСда 370 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмасини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компаниясига

молия корпорацияси, ОПЕК фонди, Ислам тараққиёт банки, Корея “Эксимбанк”и ва Хитой давлат тараққиёт банки каби молия ташкилотларининг кредит йўналишларини жалб қилди. Натижада республика-мизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улушини кўпайтиришга хизмат қилувчи ва шу тариқа мамлакатнинг ташқи савдо балансида ижобий салдоғога эришишда кўмаклашувчи лойиҳалар молиялаштирилди.

Корея “Эксимбанк”ининг маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 64,38 млн. АҚШ долларилик 13 та лойиҳа ҳамда Хитой давлат тараққиёт банкининг (ХДТБ) маблағлари ҳисобидан эса умумий қиймати 74,99 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 162 та лойиҳа шулар жумласидадир.

Миллий банк кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, енгил ва озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, кимё сананоати, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ҳам фаол қатнашмоқда.

Барчага аёнки, Президентимизнинг 2012 йил якуни ва 2013 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари-га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаб маърузасида жорий йилда мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ҳамда имтиёзлар вужудга келтирилиши таъкидланган эди.

2013 йилнинг биринчи чораги якунига кўра, Миллий банк томонидан кичик бизнес субъектларини молиялаш учун миллий валютада 249,4 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда, шунингдек, микрокредитлаш катта аҳамиятга эга. Микрокредитлаш субъектлари мустақил тадбиркорлик фаолияти борасидаги дастлабки ижобий тажрибани тўлгағач, ўз кичик бизнесини кенгайтириб, йирикроқ ишлаб чиқариш корхоналарига айланиш учун қучли рағбатга эга бўладилар. Шу мақсадда Миллий банк, жорий йилнинг биринчи чораги якунига кўра, барча манбалар ҳисобидан жами 30,9 млрд. сўм ҳажмида микрокредитлар ажратишга эришди.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш ва юртимизнинг халқаро иқтисодий саҳнадаги нуносиб ўрнини мустаҳкамлашда пешқадамлик қилмоқда. Зеро, давлатнинг макроиқтисодий ривожланиш борасидаги устувор вазифаларини халқаро молия бозоридаги ҳолатга мувофиқ тарзда амалга оширишга қаратилган Миллий банк стратегияси энг тўғри танланган йўлдир, десак, муболаға бўлмайди. Банкининг, айниқса, мамлакатимиз молия бозорига кўлга киритаётган натижалари эътирофга сазовордир. Бу эса банкнинг янада изчил ривожланиши ҳамда минтақадаги етакчилик мавқеи мустаҳкамлашини таъминлашнинг асосий омилдир.

Миллий банк мабуот маркази.



Ҳозирги кунда эса Миллий банк республика иқтисодиётининг барча тармоқларига ўз кредитларини йўналтириб келмоқда. Энг муҳими, стратегик аҳамиятга эга тармоқ ва лойиҳаларни молиялаш натижасида ишлаб чиқариш кўрсат-

ён изчил давом эттирилмоқда. Эътиборли жиҳати, мазкур вазифаларни рўйб-га чиқаришда “Ўзмилийбанк” тақдор молияловчи банк вазифасини бажараяпти. Чунинчи, “Навий” ИЭС (буғ-газ қурилмасининг қуввати — 478 МВт, кредит суммаси —

қомни олган кичик ва хусусий корхоналар ҳисобига тобора кенгайиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир.

Қолаверса, Миллий банк ўтган даврда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, “КФВ”, Халқаро

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ
Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.
«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрлайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиради.

Фармацевтика фаолияти, дори-дармон ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фирма ҳамда компаниялар раҳбарлари диққатига!
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ
қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга ТЕНДЕР (ТАНЛОВ) савдоси эълон қилади.

